

ЎРМАТ КАТЕГОРИЯСИДА “BAŞ” ҲАРАКАТИ БИЛАН МУНОСАБАТ ИФОДАЛАШ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-27-96-100>

Имамова Холида Камаловна
ЖИДУ Роман-герман тиллари
кафедраси доценти, PhD.
imamova.h68@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада “baş” ҳаракатининг ҳурмат категорияси нуқтаи назардан муносабат ифодалашдаги ўрни ва маъно хусусияти паралингвистик нуқтаи назардан ёритилади. Шунинг билан бирга “baş” сўзи ёрдамида ясалган ибораларнинг антоним, омоним ва синонимлик жиҳатларига эътибор қаратилади.

Калим сўзлар: турк тили, ҳурмат категорияси, паралингвистика, семиотика, кинематика.

Abstract. This article examines the role of the gesture “baş” in expressing attitudes from the perspective of the category of respect and its semantic nature from a paralinguistic point of view. At the same time, attention is paid to the antonym, homonym, and synonym aspects of expressions made using the word “baş”.

Keywords: Turkish language, respect category, paralinguistics, semiotics, kinematics

Инсон жамиятда доимий равишда мулоқотда бўлади. Қадим замонлардан мулоқот жараёнида руҳиятидаги туйғуларни лингвистик восита билан бир қаторда лингвистикага ёндош воситалар (паралингвистик воситалар) орқали ҳам ифодалашга алоҳида эътибор қаратган.

Одамлар сўзлар орқали мулоқот қилишни ўрганганларида, улар ўзларининг аввалги жестлар билан боғлиқ тилини унитиб юбормади. Мулоқотнинг янги тури – сўзлашув ва эшитиш – унинг эски тури саналган – кўрсатиш ва кўриш билан биргаликда бир бирини тўлдириб борди [Фолсом Ф., 1974. с. 35].

Тилшуносликка оид бўлмаган воситалар бу – ҳар хил белгилар, рамзлар ёки имо-ишоралар (мимикалар), хатти-ҳаракатлар (жестлар)дир [Stuart С., 1998. s. 74-89.; Yaman E., 2007. s. 81-84].

Мулоқот жараёнидаги ҳар хил жестлар ва мимикалар қадим-қадим замонлардан олимларнинг диққатини тортиб келган бўлишига қарамай, 1950-йилларга келиб тадқиқот объектига айланди. Шу тариқа паралингвистика фани юзага келди [Колшанский Г.В., 1974. с.11].

Турк тилида айрим лексик бирликлар ҳурматнинг паралингвистик ифодасини акс эттиради. *Бош* қисми билан боғлиқ паралингвистик ҳаракатларни ифода этувчи бирликлар шулар жумласидандир.

Бош инсон танасининг муҳим қийматга эга бўлган, фикрлаш, фаҳмлаш, бошқарув функциясини бажарадиган қисмидир. Инсонлар ўзаро муносабатда турли хил бош ҳаракатлари билан *тасдиқни, инкорни, норозиликни, маъқуллашни, саломни, хайрлашувни, уялишни* ва шулар қатори *ҳурматни* ҳам ифодалайди. Хусусан, туркларда *бош ҳаракатлари билан* ҳурмат ифодаланишини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин.

Başla selamlamak:

– *Yeni fransızca muallımımız Feride Hanım.*

Bulunduğum yerden başımla selamladım:

– *Büyük bestekarımızı tanıdığımıza çok memnun oldum efendim, dedim* [Güntekin R.N., 1992, 239] ‘Янги француз тили ўқитувчимиз Фарида хоним. Турган жойимдан бош ишораси билан салом бердим: – Таниқли бастакоримиз билан танишганимдан беҳад мамнунман афандим, – дедим’.

Маълумки, инсонлар ўзаро муносабатда кўп ҳолларда паралингвистик воситалардан фойдаланмайди. Паралингвистика сўзловчи билан тингловчи орасидаги муносабатдан ташқари, юқорида таъкидланганидек, тил соҳибларининг яшаш тарзи, маданиятига ҳам боғлиқ. Муносабат, ҳурмат ҳам ўз-ўзидан юзага келмайди. У тингловчи билан сўзловчининг дунёқарашига, тушунчасига боғлиқ бўлади. Бунда психоллингвистиканинг аҳамиятини ҳам четда қолдириш мумкин эмас. Нейтрал ҳурмат юзасидан саломлашганда паралингвистик воситалар қўлланмаслиги мумкин. Хоҳ этикет нуқтаи назаридан саломлашганда, хоҳ этикетдан ташқари қўшимча муносабат билдирилганда психоллингвистик воситалар асосида ҳурмат даражаси орттиради. ***Baş işareti:***

Nazik bir baş işaretiyle uzaktan selam verdi, hafifçe eğilerek:

– *Burhanettin bendeniz* [Güntekin R.N., 1992, 291] ‘Киборлик билан бош ишораси орқали узоқдан салом берди, бир оз эгилиб: – Камина Бурхониддин’.

Юқоридаги ҳар икки мисолимизда *baş selamı* орқали ҳурмат билдирилса-да, биринчи мисолда лингвистик воситадаги *мақтов–büyük bestekarımız* паралингвистик ҳурмат ифодасини тўлдирибгина қолмай, янада кучайтиради. Иккинчи мисолда *baş işareti* бирлиги ҳурматни нозик тарзда ифода этиш

билан бирга *hafifçe eğilerek* бирлигидаги мазмун билан уйғун равишда хурматни таъкидлашга хизмат қилган, *bendeniz* сўзи *камтарлик* услуби орқали хурматга янада юқори даражада қўшимча бўёқ берган. Сўзловчининг тингловчига билдирадиган муносабати, даставвал, психоллингвистик мазмунда шаклланиб, паралингвистикада акс этади. Паралингвистик воситалар лингвистик бирликлар орқали ифодаланиб, улар билан бирга қўлланиб, хурмат маъносининг мазмунини бойитишга хизмат қилади:

...*Şimdi artık sizden müsaade istiyeyeğim.*

Hafif bir baş selamıyla yürüdüm [Güntekin R.N., 1992, 108] ‘...Энди мумкин бўлса рухсатингиз билан кетсам. Астагина бошим билан таъзим кўрсатиб, юриб кетдим’.

Бир қараганда юқоридаги ҳар уч мисолда бир хил ҳаракат бажарилмоқда. Бу ҳаракат бирлиги *baş selamı (işareti)* билан ифода этилишига қарамай, улар турли маъноларни билдиради. Биринчи ва иккинчи мисолимизда адресант *саломлашиш* маъносида хурмат кўрсатиб, бош эгиш ҳаракатини ифодалаган бўлса, учинчисида *хайрлашиш* маъносида кўрсатилган хурмат, бош эгган ҳолда *таъзим* билан кетишга *рухсат сўраш* мазмунини билдиради. Демак, паралингвистик аспектдаги бирликлар ифодасида ҳам лексик бирликнинг турли мазмун ифодалашга хизмат қилиши маълум бўлади. Масалан, *baş selamı* ҳам *антонимик (саломлашиш, хайрлашиш)*, ҳам *синонимик (baş selamı, baş işareti, baş eğmek, baş kesmek)*, ҳам *оммонимик (саломлашиш, таъзим кўрсатиш, рухсат сўраш, хайрлашиш)* семантик муносабатларини ифода этади. Иккинчи жиҳати эса, лингвистик воситаларга қўшимча бўёқ бериб, *ҳамроҳлик* вазифасини намоён этиши таъди ва юқори даражадаги хурмат ифодалашга хизмат қилади. Учинчи мисолнинг биринчи ва иккинчи мисоллардан фарқи унда, аввало, хурмат ифода этишнинг лингвистик жиҳати бирламчи, паралингвистик томони эса кейинги ўриндадир. ***Başını eğmek:***

Ellerini tatlı bir teslimiyetle ellerimin içine bırakarak beni dinleyen Necmünnisa, daha ziyade başını eğdi, çok yavaş bir sesle:

– *Zıyanı yok Cemil Bey ... Söyleyiniz, dedi* [Güntekin R.N., 1995, 55] ‘Қўлларини қўлларимнинг қафтлари орасига охиста қўйиб, мени тинглаётган Нежмуниса, янада кўпроқ бошини эгиб, жуда секин бир овозда: – Зарари йўқ Жамил бей ... Айтаверинг, – деди’.

Юқоридаги *baş selamı* билан *başını eğdi* лингвистик бирликлари хурмат ифодалашда ўзига хос синонимик қаторни ташкил этади. Ўз навбатида, синонимик қаторнинг ҳар бир компонентида бўлганидек, фарқли жиҳатларга ҳам эга. Биринчидан, *baş selamı* қисқа вақт ичида амалга оширилган ҳаракатни билдирса, *başını eğdi* бирлиги нисбатан узоқроқ вақт, баъзан суҳбат тугагунча

бўлган муддатни ифода этади. Иккинчидан, турк тилидаги *baş selamı*да ифодаланган паралингвистик мазмунни социолінгвистик нуқтаи назардан жамиятдаги муносабат ва этикет жиҳатидан тавсифлаш маъқул бўлса, *başını eğdi* бирлигидаги паралингвистик мазмунни психолінгвистик характердаги муносабат ифодалашда шахс тушунчаси, дунёқарашига кўра изоҳлаш мумкин. Учинчидан, *baş selamı*да самимий ҳурмат бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо *başını eğdi*да чуқур самимий ҳурмат мавжуд. “Саломни ифодалашга хизмат қилувчи жест ва мимикалар мақол ва ибораларни юзага келтирмоқда...” [Küçükbasmaç G. 2015, p. 1691].

Семиотика нуқтаи назаридан *бош* – тананинг *энг муҳим*, *асос* қисми. Шу билан бирга, бошқа тана аъзоларидан *энг юқорида* туриши билан фарқланади. Турк тилида *baş* сўзи моҳиятида “инсоннинг ўзи, бутун бошли танаси, ўзлиги” семалари жамланган. Шу муҳим тана қисмининг эгилиши камтарликнинг, бошқаларни ўзидан юқори кўришининг, эъзозлашнинг рамзи сифатида ҳурмат маъносини намоён қилади. Семиотикадаги мана шу маъно тилда ҳурмат маъносини ифодаловчи куйидаги ибораларнинг юзага келишига асос бўлган: *baş eğmek* ‘таъзим қилиш’, *baş kesmek* ‘салом бериш’, *baş tacı* ‘қимматли, қадрли, ҳурматли’, *baş üstünde tutmak* ‘ҳурмат кўрсатиш’, *baş üstünde yeri olmak* ‘ҳурматга лойиқ’, *başına tac etmek* ‘қадрлаб ҳурмат кўрсатиш’, *başta taşımak* ‘ҳурмат қилиш, қадрлаш’. Ушбу иборалардан яққол намоён бўлиб юзага чиқаётган ҳурмат *baş* рамзидан фойдаланиб, адресант *baş eğmek* ‘таъзим қилиш’, *baş kesmek* ‘салом бериш’ орқали адресатга камтарлик билан ҳурмат кўрсатса, *baş tacı* ‘қимматли, қадрли, ҳурматли’, *baş üstünde tutmak* ‘ҳурмат кўрсатиш’, *baş üstünde yeri olmak* ‘ҳурматга лойиқ’, *başına tac etmek* ‘қадрлаб ҳурмат кўрсатиш’, *başta taşımak* ‘ҳурмат қилиш, қадрлаш’ иборалари ёрдамида адресатни ўзидан юқори кўриб, эъзозлаш орқали ҳурмат билдирилади. Ушбу иборалар мазмуни асосида, турк тилида бир *baş* рамзи, белгиси асосида адресант адресатга ҳурмат кўрсатиш учун икки хил йўл тутиши маълум бўлди: *рамз* асосида *камтарлик* қилиб ўзини адресатдан кичик олади, адресатни ўзидан *baş* рамзи асосида *юқорига* кўтаради.

Йиғилган мисоллар асосида ҳурмат билдирувчи паралингвистик воситалар мазмунини ифодаловчи бирликларни турк тилида *тўғридан-тўғри ҳурмат ифодалаш*; *мулоқот жараёнидан ташқарида ҳурмат ифодалаш*; *воситали ҳурмат билдириш* каби турларга ажратиш мумкин. Мана шу турларнинг ўзи паралингвистик ходисалардаги ҳурмат категориясининг ментал хусусиятлар билан боғлиқлиги, тарихи қадимлигидан дарак беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Фолсом Ф. Книга о языке, – Москва: Прогресс, 1974. -159 с.
2. Stuart C. Etkili Konuşma. Çeviren: Sağlam M. – İstanbul: ALFA Basım Yayın, 1998. s. -289.
3. Yaman E. Konuşma Sanatı. – Ankara: Savaş Yayınevi, 2007. s. -332.
4. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974. - 84 с.
5. Küçükbaşmacı G. “Selamlaşma Sözleri Açısından Manas Destanı”, Turkish Studies İnternational Periodikal For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic Volume 10/8 Spring 2015, p. 1691. DOI Number: <http://dx.doi.org/10.7827/TurkishStudies.81442>, ISSN: 1308-2140, ANKARA-TURKEY.
6. Güntekin R. N. Çalığışu. – İstanbul: İnkılap Kitabevi, 1992. - 408 s.
7. Güntekin R. N. Sönmüş Yıldızlar. – İstanbul: İnkılap Kitabevi, 1995-174 s.